“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ
Бош директори ўринбосари
А.Асатуллаев

2025 йил «30» сентябрь

“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭИСК” АЖ ОММАВИЙ ОФЕРТАСИ

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда – “Оферта”) “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ (кейинги ўринларда – Суғурталовчи) томонидан ноаниқ жисмоний шахслар доирасига (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи) қуйидаги шартларда, Суғурталовчининг ахборот тизимлари орқали бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тўғрисидаги шартномани (кейинги ўринларда – суғурта Шартномаси) тузиш тўғрисида қилинган таклифидир. Шартноманинг Томонлари Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчидир.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини тўлаш унинг шартларини акцептлаш ва суғурта Шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчининг розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги тасдиқлангандан сўнг, унга электрон почта орқали суғурта полисининг электрон ҳужжати юборилади ва суғурта Шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ушбу Офертанинг шартларига мувофиқ, Суғурталанган шахс бўлиб ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкий манфаатлари суғурта объекти бўлган ва унинг фойдасига тузилган суғурта Шартномаси қуйидаги шахслардан ташқари ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин. Суғурталанган шахслар суғурта полисида кўрсатилади.

Қуйидаги шахслар суғурта қилинмайди:

- 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари;
- психоневрологик, онкологик, тери-таносил диспансерларида ҳисобда турадиган;
- 1 ёшгача ва 70 ёшдан катталар.

Агар суғурта Шартномаси тузилгандан сўнг, Суғурталанган шахс ушбу Офертада кўрсатилган чекловларга тўғри келиши аниқланса, суғурта Шартномаси бундай шахсга нисбатан бекор қилинади ва суғурта мукофоти қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) Оферта шартларини Қабул қилиш деб ҳисобланади, ва бу билан қуйидагиларга розилик билдирилади:

- ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда кўрсатилган суғурта қилиш шартлари;
- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш тўғрисида хабар бермасдан), автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш орқали 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида, шунингдек суғурта Шартномасини бажариш мақсадида, ички иш юритишни учинчи шахсларга топшириш.

Ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари Суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқи ва муомала лаёқатини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг Интернет-ресурси орқали суғурта Шартномасини тузиш натижасида ўзига юклатилган мажбуриятлар учун жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини онлайн режимида тузиш

учун Суғурта қилдирувчи электрон почта манзили ва мобил телефон рақамига эга бўлиши шарт.

Суғурталаш учун ариза бўлиб Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган барча маълумотларни киритиш ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 62-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва суғурта Шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари хавфсизлигини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Кейинги ўринларда матнда келтирилган "Оферта", "Суғурта шартномаси" ва "Суғурта полиси" ҳаволалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Умумий тушунчалар:

1.1.1. **Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги SF 00006-сонли Лицензиясига асосан ўз суғурта фаолиятини олиб борувчи "Ўзбекинвест" ЭИСК" АЖ.

1.1.2. **Суғурта қилдирувчи** – ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган муомала лаёқатига эга жисмоний шахс.

1.1.3. **Наф олувчи –** Суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билан суғурта полисида суғурта товонини олувчи сифатида кўрсатилган жисмоний шахс. Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурта полисида Наф олувчи тайинланмаган бўлса, Суғурталанган шахснинг ворислари суғурта товонини олувчилар деб эътироф этилади.

1.1.4. **Суғурта полиси** – Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Оферта шартларида бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш Шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланганидан сўнг, унинг электрон манзилига юборилади.

1.1.5. **Суғурта ҳодисаси** – ушбу Оферта ва Шартномада назарда тутилган, суғурта даври ва География ҳудудида содир бўлган, Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи/Наф олувига суғурта товонининг тўловини амалга ошириш мажбурияти пайдо бўладиган, ҳақиқатда содир бўлган ҳодиса.

1.1.6. **Суғурта даври** - Суғурта полисида кўрсатилган, Суғурталовчи суғурта ҳимоясини тақдим этадиган вақт даври (кунига 24 соат). Суғурта Шартномасида назарда тутилган суғурта қилиш фақат белгиланган суғурта даврида содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қўлланилади.

1.1.7. **Суғурта пули** – Суғурта полисида ҳар бир Суғурталанган шахс учун кўрсатилган ва Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасидаги келишув билан белгиланган, Суғурталовчининг мажбуриятлари чегарасини билдирадиган жами пул маблағлари миқдори.

1.1.8. **Суғурта мукофоти** – Суғурта полисида кўрсатилган, Суғурта қилдирувчи ушбу Офертада белгиланган тартиб ва шартларда Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

1.1.9. **Суғурта товони** – ушбу Офертада назарда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганида Суғурталовчи томонидан Суғурталанган шахс/Наф олувчига суғурта пули доирасида тўланадиган пул маблағлари.

1.1.10. **Суғурталанган шахс** – ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкий манфаатлари суғурта объекти ҳисобланадиган, Суғурта полисида кўрсатилган жисмоний шахс.

1.1.11. **Бахтсиз ҳодиса –** бу касаллик ёки тиббий манипуляция натижаси бўлмаган ва Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда суғурта даврида содир бўлган тан жароҳати ёки бошқа, организмнинг ички ва ташқи функцияларининг бузилиши ёки Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахснинг ўлимига олиб келган, шу жумладан: табиий ҳодисалар, портлаш, куйиш, музлаш, чўкиш, электр токи таъсири, чақмоқ чақиши, офтоб уриши, тажовузкорлар ёки ҳайвонлар ҳужуми, бирор бир предметнинг ва/ёки Суғурталанган шахснинг қулаши, тўсатдан бўғилиш, бегона жисмнинг тасодифан нафас йўлларига тушиб қолиши, зарарли маҳсулотлар ёки моддалар (заҳарли ўсимликлар, кимёвий

моддалар, дори воситалари, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари) билан тасодифий ўткир заҳарланиш, шунингдек транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ёки улар иштирокидаги тўқнашув пайтида, ёки ишлаб чиқариш машиналари, механизмлари, асбобларидан фойдаланишда тўсатдан рўй берган қисқа муддатли ташқи ҳодиса. Ўткир, сурункали ва ирсий касалликларнинг ҳар қандай шакли (шу жумладан, ирсий патология ёки касалликнинг ривожланиши натижасидаги патология оқибатида инфаркт, инсульт ва аъзоларнинг бошқа тўсатдан шикастланиши), анафилактик шок, шунингдек юқумли касалликлар, озиқ-овқат токсикоинфекцияси (салмонеллёз), дизентерия ва бошқалар) бахтсиз ҳодиса деб ҳисобланмайди.

1.1.12.**Суғурталашнинг География ҳудуди –** Ўзбекистон Республикаси ҳудуди.

1.1.13.**Меҳнат қобилиятини йўқотиш (ногиронлик) –** суғурта Шартномасида назарда тутилган, Суғурталанган шахснинг соғлиғига қайтариб бўлмайдиган, суғурта даврида содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатлари натижасида етказилган ва Суғурталанган шахс учун ногиронлик гуруҳларидан бирини белгилашга олиб келган доимий зарар етиши. Бахтсиз ҳодиса содир бўлган пайтдан бошлаб олти ой ичида бахтсиз ҳодиса натижасида Суғурталанган шахсга ногиронлик белгиланиши суғурта ҳодисаси деб тан олинади.

1.1.14.**Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома –** Суғурталанган шахс билан содир бўлган воқеа Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси деб тан олинган тақдирда Суғурталовчи томонидан тузиладиган ва Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчи томонидан имзоланадиган, суғурта товонини тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжат.

1.2. Суғурта Шартномасини тузиш ва кучга кириш тартиби:

1.2.1. Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига сотув ва суғурта хизматларини кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжатдир;

1.2.2. Суғурта Шартномаси (Суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлари асосида шакллантирилади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг талаб қилинган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда тўлдиради;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризадаги ҳужжатларнинг аслига тўғри ва бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, аризадаги ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига тўғри келмаса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли эканлигига розилик билдиради;

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта Шартномаси (Суғурта полиси)га киритилади;

1.2.5. Офертада таклиф қилинган суғурта шартлари билан рози бўлса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва суғурта Шартномасини тузиш тўғрисидаги Аризани (кейинги ўринларда Ариза) онлайн режимда Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали тўлдиришга ўтади;

1.2.6. Аризани тўлдиришда суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун Суғурталовчи учун аҳамиятли ва зарур бўлган барча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши шарт;

1.2.7. Ариза тўлдирилганидан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда “Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасига очилади;

1.2.8. Суғурта Шартномасининг томонлари Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта полиси олинганлиги суғурта Шартномаси (Суғурта полиси)ни тегишли тарзда имзолаш ҳисобланишини тасдиқлайдилар;

1.2.9. Ушбу Офертани қабул қилиш ва суғурта Шартномасини тузиш санаси Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги тасдиқланган сана ҳисобланади;

1.2.10. Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг бошланиши) Суғурталовчи ҳисоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги кун, соат 00-00 да кучга киради.

1.3. Суғурта Шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш тартиби:

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

1.3.3. Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

1.3.4. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда Суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини Суғурта полиси серияси ва рақами тўғрисидаги ва Суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

1.3.5. Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

1.3.2. Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

1.3.3. Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

1.4. Суғурта қилдирувчининг ташаббуси билан суғурта Шартномасини (суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш. Суғурта мукофотини қайтариш:

1.4.1. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан сўнг суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли йўқолган бўлса ва суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар туфайли суғурта хавфининг мавжудлиги тўхтатилган бўлса, у тузилган муддатдан олдин бекор қилинади.

1.4.2. 1.4.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар туфайли суғурта Шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, Суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

1.4.3. Суғурта қилдирувчи, агар рад этиш пайтигача ушбу Офертанинг 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар туфайли суғурта ҳодисаси эҳтимоли йўқолмаса, суғурта Шартномасини бажаришни ҳар қандай вақтда рад этишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

1.4.4. Суғурта қилдирувчининг ташаббуси билан суғурта Шартномасини (Суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш Суғурталовчига бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризани юбориш орқали, кейинчалик томонлар суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида Келишувни имзолаган ҳолда амалга оширилади.

1.4.5. Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта Шартномасини (Суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш фақат қуйидаги ҳолларда бир томонлама амалга оширилади:

а) Суғурта қилдирувчи ёки Суғурталанган шахс томонидан режалаштирилган даволанишни амалга ошириш, тиббиёт муассасасига, Суғурталовчига нотўғри маълумотлар бериш ва ҳақиқатга мос келмайдиган ҳужжатларни тақдим этиш орқали қасддан суиистеъмол қилиш. Бундай ҳолда, Суғурталовчи ушбу ҳолатлар тасдиқланган тақдирда, Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга ёзма равишда хабар бериш орқали суғурта Шартномасини бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир;

б) қонун ҳужжатларида ва суғурта Шартномасида назарда тутилган ва руҳсат этилган ҳолларда.

СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ: Тўлиқ номланиши:

"Ўзбекинвест" Экспорт-импорт суғуртаси компанияси" акциядорлик жамияти.

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100097, Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6 уй. Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс / электрон почта): www.uzbekinvest.uz office@uzbekinvest.uz Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 386.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: SF №00006 серияли, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 декабрда берилган.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Ушбу Офертада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ ва алоҳида берилган Суғурта полисига асосан, суғурта ҳодисаси сифатида меҳнат лаёқатини йўқотиш, жисмоний шикастланиш (жароҳат) ёки Суғурталанган шахснинг ўлимига олиб келган бахтсиз ҳодисалар (ишлаб чиқаришда ва кундалик ҳаётда) тан олинади.

2.2. Бахтсиз ҳодисалар, агар уларнинг табиати, вақти ва жойи аниқ белгиланиши мумкин бўлса, улар суғурта даврида, География ҳудуд доирасида содир бўлган бўлса ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли идоралар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса, суғурта ҳодисаси деб тан олинади.

3-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

3.1. Ушбу Офертага мувофиқ, қуйидагилар бевосита ёки билвосита сабаб бўлганда, 2.1. бандида кўрсатилган воқеалар суғурта ҳодисалари деб тан олинмайди:

а) уруш ва ҳар қандай турдаги ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, уларга ўхшаш ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳодисалар (уруш эълон қилинганлигидан қатъи назар), исён, фуқаролик ёки ҳарбий ғалаёнга ўтишни ўз ичига олган ҳар қандай фуқаролик тартибсизликлари, иш ташлашлар, қўзғолон, қуролли ёки бошқа ҳокимиятни ноқонуний равишда тортиб олиш, шунингдек қурол ва ўқ-дориларни ишлатиш ва/ёки сақлаш билан боғлиқ ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш ҳодисалар, шу жумладан террористик ҳаракат;

б) ядровий портлаш, радиация ва радиоактив зарарланиш;

в) Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисаси содир бўлишига қаратилган, ушбу шахсларнинг бундай ҳаракатлар пайтида уларнинг ақли расо ёки ақлдан озганлигидан қатъий назар қасддан қилинган хатти-ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги, Суғурта қилдирувчи/ Суғурталанган шахс ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш каби уларнинг фуқаролик мажбуриятини бажариш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

г) Суғурталанган шахснинг расмий спорт тадбирларида (мусобақаларида) ёки мунтазам равишда спорт билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирлар (машғулотлар, намойиш чиқишлари, ўқув машғулотлари ва бошқалар)да профессионал асосда иштирок этиши, турли учувчи аппаратлардан фойдаланиш, парашютда сакраш, шунингдек ҳаёт ва соғлиққа юқори даражадаги хавф билан боғлиқ бошқа тадбирлар;

д) Суғурталанган шахснинг алкоголли заҳарланиши/маст ҳолда бўлиши ёки Суғурталанган шахснинг токсик ёки гиёҳвандлик билан маст бўлиши ва/ёки заҳарланиши.

Ушбу Офертанинг шартларига мувофиқ, Суғурталанган шахснинг мастлик ҳолати бўйича тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортиши ушбу қўшимча бандда кўрсатилган ҳолатлар мавжудлигига тенглаштирилади.

е) спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик, психотроп ва токсик моддаларнинг ўрнини босувчи ҳар қандай воситалардан ихтиёрий равишда истъемол қилиш ва Суғурталанган шахснинг ушбу омиллар билан боғлиқ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), тегишли малакали шифокорнинг кўрсатмаларига қатъий мувофиқ равишда дори-дармонларни қабул қилиш бундан мустасно;

ж) Суғурталанган шахснинг ўз жонига қасд қилиши ёки ўз жонига қасд қилишга уриниши;

з) диагностик, терапевтик ва профилактик чораларнинг салбий оқибатлари (шу жумладан дорилар инъекцияси), агар улар тан жароҳати оқибатларини даволаш билан боғлиқ бўлмаса;

и) хавфсизлик қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва саноат санитарияси нормаларини қўпол равишда бузиш;

к) ушбу Оферта тузилаётган пайтда Суғурталанган шахсда бўлган юрак-қон томир тизими, қон айланиш тизими, гипертония, диабет, неврологик касалликларнинг кучайиши ёки ҳуружи;

л) инсульт, инфаркт (инфаркт бахтсиз ҳодиса оқибати сифатида ҳеч қандай ҳолатда кўриб чиқилмайди);

м) ушбу Оферта ва Шартноманинг амал қилиш муддати давомида пайдо бўлиши ёки оғирлашиши мумкин бўлган ўткир ёки сурункали касаллик, касбий касаллик;

н) портловчи ва енгил ёнувчан материаллар билан ишлаш.

3.2. Қуйидагилар суғурта ҳодисалари ҳисобланмайди:

- касалликларнинг барча турлари, шу жумладан юқумли касалликлар, ОИВ инфекцияси, ОИТС, ҳар қандай таносил касалликлари, шунингдек, озиқ-овқат ёки доривор воситаларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган соғлиқ бузилиши;

- токсикоз ва аёлларнинг ҳомиладорлик ҳолатидаги бошқа асоратлари, бола тушиб қолиши/ҳомиладорликнинг бевақт тугаши, туғруқ, туғруқ пайтида ва туғруқдан кейинги асоратлар ва касалликлар;

- Суғурталанган шахснинг қайта ТМЭКдан ўтиши билан белгиланган ногиронлик.

3.3. Ушбу суғурта Офертасининг 2.1 бандида кўрсатилган, уларга нисбатан Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ва/ёки Наф олувчи Суғурталовчига била туриб ёлғон маълумот тақдим этган ҳолатлар суғурта ҳодисалари ҳисобланмайди.

3.4. Суғурталовчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда суғурта қопламасини тўлашдан озод қилинади.

3.5. Суғурталовчи ҳеч қандай ҳолатда ушбу Офертада кўрсатилмаган ёки акс эттирилмаган мажбуриятлар учун жавобгар бўлмайди. Суғурталовчи Суғурта полиси бўйича ўз мажбуриятлари кучга киргунга қадар ва унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин содир бўлган ҳодисалар учун ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.

4-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимида оммавий шаклда тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар эмас.

4.2. Суғурталовчи ўз ваколатига кирмайдиган ҳодиса ва ҳолатлар натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ва зарарлар, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун жавобгар эмас, яъни:

- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончсизлиги, етарли эмаслиги ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Офертанинг шартлари ёки ҳужжатларга бўлган талабларнинг бузилганлиги оқибатида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш имконсиз бўлса;

- ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун (улардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги);

- алоқа линияларининг узилиши, Суғурта қилдирувчи ускунасининг ишламай қолиши сабабли Суғурталовчи томонидан расмийлаштиришнинг иложи йўқлиги учун.

4.3. Томонлар ушбу Оферта бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ва/ёки лозим даражада бажармаганликлари учун ушбу Оферта ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан белгиланган тартиб ва шартларда жавобгар бўлишади.

4.4. Томонлар енгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) юзага келган тақдирда ушбу Оферта бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

4.5. Суд томонидан ушбу Офертанинг бирор қоидаси ҳақиқий эмас деб топилиши қолган қоидаларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

5-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

а) ушбу Оферта ва Шартномага Суғурталовчи билан келишилган ҳолда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш;

б) ушбу Шартнома бўйича Суғурталовчидан маслаҳатлар олиш;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчи ушбу Офертага мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришини талаб қилиш;

г) Суғурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини олиш.

5.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) ушбу Офертада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаши;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлиши эҳтимолининг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўриши.

Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа содир бўлганда, Суғурталовчига унинг содир бўлиши тўғрисида ушбу Офертанинг 6.1. бандида кўрсатилган муддат ва тартибда хабар бериши;

с) техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

5.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи тақдим этган маълумотларни, шунингдек суғурта Шартномаси шартларининг Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи томонидан бажарилишини текшириш;

б) суғурта товонининг тўловини рад этиш, агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи:

- Суғурталовчига бахтсиз ҳодиса тўғрисида ўз вақтида хабар бермаса;

- содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш учун, шунингдек бундай воқеани меҳнат лаёқатини йўқотиш, жисмоний шикастланиш (жароҳат) ёки Суғурталанган шахснинг ўлими билан сабабий боғлиқлигини аниқлаштириш учун Суғурталовчи сўровномасидан 3 ой ўтгач, зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаган ҳолда ёки ёлғон далиллар ва маълумотларни тақдим этса.

в) Суғурта қилдирувчи Офертанинг 5.2. (в) бандида назарда тутилган мажбуриятни бажармаган тақдирда, суғурта Шартномасининг бекор қилинишини ва Шартноманинг бекор қилиниши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

г) суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган олдини олиш тадбирларини ўтказиш;

д) жабрланган Суғурталанган шахсга унинг аҳволини ва касаллик тарихини ўрганиш учун ишончли эксперт-шифокорини йўналтириш;

е) суғурта товони (суғурта қопламаси) тўғрисидаги қарорни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ёки Наф олувчига нисбатан даъво аризасининг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатган тақдирда текширув ва/ёки суд муҳокамаси тугагунга қадар кейинга қолдириш;

ж) суғурта мукофотини тўлаш муддати 30 (ўттиз) календар кундан ортиқ бўлган муддатга кечиктирилган тақдирда ушбу Офертанинг амал қилишини бир томонлама бекор қилиш.

5.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта полисини ушбу Офертада белгиланган муддатда тақдим этиш;

б) ушбу Офертага мувофиқ барча зарур ҳужжатлар олинганидан сўнг, даъво қилинган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш/тан олмаслик, суғурта тўловини амалга ошириш, ҳар қандай пул маблағларини тўлашни кечиктириш ёки ундан бош тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

в) суғурта товони тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу Офертада белгиланган муддатда суғурта тўловини амалга ошириш;

г) Шартноманинг амал қилиш даври давомида суғурта Шартномаси бўйича маслаҳатлар бериш;

д) суғурта даврида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчидан олинган маълумотларнинг

конфиденциаллигини сақлаш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Суғурталовчи давлат органларига ахборотни тақдим этиши лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурта ҳодисасининг аломатлари бўлган воқеа содир бўлганда, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи:

а) Суғурталовчини имкон қадар тезроқ, лекин воқеа содир бўлганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай суғурта ҳодисасининг аломатларига эга воқеани келтириб чиқарган сабаблар ва ҳолатлар кўрсатилган ёзма ариза йўналтириб дарҳол хабардор қилиши шарт.

б) агар Суғурта қилдирувчи ушбу Офертанинг 6-бўлимида кўрсатилган ҳужжатларни ноаниқ сабабларга кўра 3 (уч) календар ой ичида тақдим этмаса, Суғурталовчи содир бўлган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олмаслик ва суғурта товонини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

6.2. Суғурта товонини тўлаш Суғурталовчи томонидан ушбу Офертанинг 6.3. банди ва Суғурталовчи томонидан белгиланган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома шаклида кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ёзма равишда тузилган Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг тўлов тўғрисидаги аризаси асосида амалга оширилади.

6.3. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- Суғурталанган шахс паспортининг асли ва нусҳаси;
- стационар касалининг тиббий маълумотномасидан (даъво қилинган воқеа бўйича биринчи ташриф буюрилган кундан бошлаб) кўчирманинг асли (кўчирма эпикризи) ва/ёки стационар касалининг тиббий маълумотномасидан тиббиёт муассасаси томонидан тасдиқланган нусҳа (даъво қилинган воқеа бўйича дастлабки ташриф санасидан бошлаб). Амбулатория шароитида даволанганда – амбулатория касалининг тиббий маълумотномасидан кўчирманинг асл нусҳаси (даъво қилинган воқеа бўйича биринчи ташриф буюрилган кундан бошлаб);
- бахтсиз ҳодиса натижасида Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, белгиланган ўлим сабаби кўрсатилган ўлим тўғрисидаги гувоҳноманинг асли ва нусҳаси;
- Суғурталовчининг илтимосига биноан ўлим сабабларини аниқлаш учун суд-тиббий экспертиза хулосасининг суд-тиббий, суд-биологик, гистологик тадқиқотлар натижалари билан расмий шахс томонидан тасдиқланган ва ИИВ/прокуратура муҳри билан ёки тиббиёт муассасасининг муҳри билан мурдани патологоанотомик очиш протоколи нусҳаси;
- агар Суғурталанган шахс бахтсиз ҳодиса натижасида жисмонан шикастланса (жароҳат олса), рентген суръати (синиш ҳолатларида);
- агар Суғурталанган шахс/Наф олувчи транспорт воситасини бошқарган бўлса, ЙТҲ юз берганда алкогол, гиёҳванд ёки токсик зарарланишнинг йўқлиги тўғрисида тиббий хулоса;
- Суғурталанган шахс ногиронлиги бўлган тақдирда, кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда ваколатли давлат органининг ногиронлик гуруҳини кўрсатувчи хулосаси.

6.4. Суғурталовчи ушбу Офертанинг 3-бўлимида кўрсатилган ҳодисалар натижасида суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини истисно қиладиган қўшимча ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир.

6.5. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳужжатлар асосида Суғурталовчи уни суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Агар Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тан олинса, суғурта ҳодисаси тўғрисида Далолатнома тузилади ва томонлар томонидан имзоланади, унда тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг миқдори белгиланади.

6.6. Суғурталовчининг суғурта товонининг тўланишини рад этиш тўғрисидаги қарори, барча ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай, Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчига етказилиши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Суғурталовчининг қарори билан рози бўлмаган тақдирда, Суғурта қилдирувчи ўз маблағлари ҳисобига даъвони ҳал қилиш учун мустақил экспертнинг тайинланишини талаб қилиши мумкин.

6.7. Агар суғурта ҳодисаси юзасидан жиноий иш, фуқаролик иши ёки маъмурий жазо қўлланилиши бўйича иш қўзгатилган бўлса, Суғурталовчи мутасадди идоралар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар суғурта товонини тўлаш масаласини ҳал қилишни кечиктириши мумкин.

6.8. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлигининг исботини Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчи ўз зиммасига олади.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурта товонининг миқдорини ҳисоблаш:

7.1.1. Агар Суғурталанган шахс бахтсиз ҳодиса натижасида жисмонан шикастланса (жароҳат олса) – "Ўзбекинвест" ЭИСК" АЖ суғурта тўловлари Жадвали"га биноан суғурта пулининг фоизи муносабатида аниқланадиган миқдорда (ушбу Офертага 1-илова).

Агар ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган зарарнинг табиати суғурта тўловлари Жадвалида келтирилмаган бўлса, Суғурталовчининг эксперт шифокори зарарнинг моҳияти суғурта тўловлари Жадвалида келтирилган ёки бошқа зарарларга мувофиқлигини аниқлайди. Суғурта тўловлари Жадвалида келтирилган зарар табиатининг у ёки бу зарарга мувофиқлигини аниқлашда зарарнинг энг мос хусусияти танланади.

7.1.2. Агар Суғурталанган шахсга бахтсиз ҳодиса содир бўлган кундан бошлаб олти ой ичида ногиронлик белгиланса, суғурта товонини тўлаш Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда илгари тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Суғурталанган шахсга I гуруҳ ногиронлиги белгиланганда - суғурта пулининг 100 фоизи;
- Суғурталанган шахсга II гуруҳ ногиронлиги белгиланганда - суғурта пулининг 80 фоизи;
- Суғурталанган шахсга III гуруҳ ногиронлиги белгиланганда - суғурта пулининг 60 фоизи.

7.2. Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда суғурта товонининг миқдори Суғурталанган шахс учун суғурта ҳодисаси муносабати билан илгари тўланган суғурта товонларини олиб ташлаган ҳолда Суғурталанган шахс учун белгиланган суғурта пулининг 100 фоизини ташкил этади.

7.3. Суғурта даври давомида битта Суғурталанган шахс билан бир ёки бир нечта суғурта ҳодисалари содир бўлганлиги учун Суғурталовчи томонидан амалга оширилган суғурта тўловларининг умумий миқдори унинг Суғурта полисида белгиланган суғурта пулидан ошмаслиги керак.

7.4. Суғурта товонини тўлаш суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк куни ичида амалга оширилади.

7.5. Суғурта товони тўланган кун деб Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамидан пул маблағлари ечилган кун ҳисобланади.

8-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.2. Ушбу Офертадан келиб чиқадиган барча тортишувлар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишувга эришилмаган тақдирда ҳал этилади.